



## ҚОЗОҒИСТОН – ТАТАРИСТОН: БАРДАВОМ ҚАРДОШЛИК

Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев Татаристон Республикаси Раиси Рустам Миннихановни қабул қилди.

Учрашууда савдо-иқтисодий, сарможавий, аграр ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари Татаристон Қозоғистон билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича Россия ҳудудлари орасида етакчи ўринга эга эканлигини таъкидлади.

– Қозоғистон ва Татаристон ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда ва Россия Федерацияси билан кўп томонлама муносабатларимизда муҳим ўрин тутди. Ўтган йил якунларига кўра, Қозоғистон ва Татаристон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 22,5 фоизга ошиб, 597 миллион доллардан ошди. Машинасозлик соҳасида “Татнефть” ва “КАМАЗ” корхоналари иштирокида йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бошқа истиқболли лойиҳалар ҳам бор, – деди Қ. Тұқаев.

Рустам Минниханов Қозоғистон ва Татаристон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш масалаларига эътибор қаратди.

– Муҳтарам Президент, вақт ажратиб учрашиб, қўшма лойиҳалар ҳақида суҳбатлашиш имкониятини берганингиз учун ва бугунги «Иннопром» кўргазмаси учун миннатдорман. Тайёргарлик жуда яхши олиб борилган ва юқори савияда давом этмоқда. Биз 38та компаниядан иборат катта делегацияни олиб келдик. Мақсадимиз – нафақат йирик бизнесни жорий этиш ва савдо-иқтисодий алоқаларни мустақамлаш, балки кичик ва ўрта корхоналаримизни мамлакатингиз билан фаол ҳамкорлик қилишга ундашдир, – деди Татаристон Раиси.

Учрашууда Давлат раҳбари Қозоғистон ва Россия минтақалараро анжуман ўзаро ҳамкорлик учун мақбул дастурига айланганини таъкидлади. Бу йил ноябрь ойида Қўстанай шаҳрида ўтадиган анжуман мавзуси қишлоқ хўжалигига бағишланади.

Akorda.kz.

## ПРЕЗИДЕНТ МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРДИ

Астанада ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев номидан кинологлар тақдирланди.

– Қозоғистон кинологлар уюшмаси Халқаро кинология федерациясига (FCI) тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Сизларни халқаро майдондаги биринчи ва муҳим гала-бангиз билан шахсан табриқлайман, – деди Президент Маммурияти раҳбари ўринбосари Сергей Хорошун тақдирлаш маросимида.

18 мутахассис Давлат раҳбарининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Президентнинг миннатдорчилик матни куйидагича: «Сиз Қозоғистон Кинологлар уюшмасининг Халқаро Кинология Федерациясига тўлақонли аъзо бўлишига, халқимиз азалдан етти хазинанинг бири санаб келган итларнинг този ва тарлан турларини асраб-авайлаш ва кўпайтиришга салмоқли ҳисса кўшдингиз. Самарали меҳнатингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман. Оилангизга файзу барака, ишларингизга муваффақиятлар тилайман».

## БМТ БУТУН ДУНЁДА ҲАРБИЙ ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИШИ – ЁЛҒОН АХБОРОТ

Ижтимоий тармоқларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2024 йилда ўтадиган “Келажақ саммити”-да «Келажақ учун пакт» деб номланадиган ҳужжатни қабул қилади, натижада, ташкилотга чексиз фавкуллода ваколатлар берилди. Бу дунёвий таҳдидлар, шу жумладан, пандемиялар, табиий офатлар, иқлим офатлари ва бошқалар учун зарур”, дейилган. Буларнинг барчаси ҳақиқатга тўғри келмайди, дея хабар беради stopfake.kz.

Бундай ҳужжат, ҳақиқатан ҳам, БМТнинг расмий сайтыда мавжуд.

Унинг саҳифасида 2024 йилда ўтадиган саммитдан аввал амалга оширилган ва қилинадиган қадамлар батафсил баён этилган.

Сайтдаги маълумотларга кўра, 2023 йилгача бўлган кун тартиби 2015 йилда қабул қилинган. У 17та узоқ муддатли мақсадни ўз ичига олади, жумладан, ижтимоий ва гендер тенглиги, тоза сув каби асосий захиралардан тенг фойдаланиш ва бошқалар. Лекин унда ҳарбий ҳолат ҳақида бир сўз ҳам айтилмаган.

Шунингдек, веб-сайтда саммитга тайёргарлик доирасида БМТ-75 декларацияси қабул қилингани айтилади. Унда халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш, низоларнинг олдини олиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустақамлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим инқирозига қарши курашиш ҳақида гап боради.

Саммит арафасида қабул қилинган БМТнинг яна бир ҳужжати “Бизнинг умумий кун тартибимиз” деб номланади. Бу БМТ Бош қотибининг барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш бўйича ҳисоботидади. Унда ҳам БМТга фавкуллода ваколатлар бериш ва бутун дунёда ҳарбий ҳолат жорий этиш ҳақида гап йўқ.

«Келажақ учун пакт» матни ҳали тайёрланмаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти веб-сайтида айтилишича, у «аъзо давлатлар томонидан илгари сурмоқчи бўлган масалалар бўйича ҳукуматлараро музокаралар пайтида» тузилади.

Яъни, иштирокчи давлатлар ихтиёрий равишда БМТга исталган жойда ҳарбий ҳолат жорий этиш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади, деб тахмин қилиш мутлақо асоссиздир.

Шундай қилиб, БМТ ҳақиқатан ҳам бутун дунё бўйлаб фавкуллода ваколатларни ўз зиммасига олишни истаётганига ҳеч қандай далил йўқ. Ташкилот ҳужжатларида бундай тезислар йўқ ва ахборотномада эслатиб ўтилган «Келажақ учун пакт» ҳали тузилмаган.

24.kz.

## ПЕШҚАДАМ ДИЗАЙНЕРЛАР ДАВРА СУҲБАТИ

2-бет

## ЭСКИ ИҚОНДА – ЯНГИ ҲОСИЛ ХИРМОНИ

3-бет

## ТОМЧИДА ҚУЁШ АКС ЭТГАНИ КАБИ

4-бет



janubiy.kz

# Жанубий

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 28 сентябрь, пайшанба, №107 (3303).

»» Президент

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИСТИҚБОЛИ


Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев биринчи халқаро “Иннопром. Қозоғистон” саноат кўргазмасига таариф буюрган Россия, Беларусь ва Қирғизистон Ҳукуматлари раҳбарлари билан учрашди.

– Сизларнинг махсус ташрифингиз савдо-иқтисодий алоқаларимиз яқинлигини яна бир қарра исботлади. Бугунги кунда ушбу тадбир доимий савдо дастурига айланди. Кўргазма доирасида салоҳиятли ҳамкорлар ва сармоядорлар мамлакатларимиз саноат соҳаси ютуқлари билан танишади, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар очилади, – деди Қ. Тұқаев.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, саноат, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма корхоналар, йирик лойиҳалар кўпаймоқда. Бу Иттифоққа аъзо мамлакатлар ташқи савдоси ҳажмининг муттасил ошиб, жорий йилнинг биринчи ярмида 13 фоизга етганидан далолатдир.

Қ. Тұқаев Қозоғистон ва Россия ўртасидаги савдо, сармоя ва саноат соҳаларидаги алоқалар суръати юқори эканлигини таъкидлади.

– Россия компаниялари Қозоғистонга мунтазам сармоя киритадиган бешта асосий давлат қаторига киради. Бугун биз Россия билан ҳамкорликда умумий қиймати 16,5 миллиард долларлик 40та йирик лойиҳани амалга оширмоқдамиз, – деди Президент.



Давлат раҳбари Беларусь билан алоқалар ҳақида сўз юритар экан, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва машинасозлик соҳасидаги тажрибани ижобий баҳолади. Бу йўналишдаги лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 180 миллион долларни ташкил этади.

Шу билан бирга, Қозоғистон Президенти Қирғизистон Республикаси билан муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, ўзаро товар айирбошлаш суръати юқори эканлигига эътибор қаратди.

– Етти ойда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга ошди. Қозоғистон Қирғизистон чегарасида саноат савдо-логистика мажмуасини барпо этиш истиқболлари катта, – деди Қ. Тұқаев.

Президент ҳукуматлар раҳ-

барларига Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳамкорликни сезиларли даражада мустақамлаш учун улкан салоҳиятга эга, шу сабабли уни илгари суришда барча имкониятлардан фаол фойдаланиш зарурлиги ҳақида фикр билдирди.

– Қозоғистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятида. Бизнинг фикримизча, бу Иттифоқ жуда истиқболли интеграция ташкилотидир. Иттифоқнинг иқтисодий салоҳияти юксак, – деди Қ. Тұқаев.

Давлат раҳбари савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлиги бевосита транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ, шунинг учун транспорт алоқалари имкониятларини изчил ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Президент “Шимол-Жануб” транзит йўлаги, Қозоғис-

тон-Туркменистон-Эрон темир йўли, Фарбий Европа-Фарбий Хитой йўналиши бўйича Эрон, Форс кўрфази, Ҳиндистонга чиқиш имконини берувчи имкониятлар ҳақида фикр билдирди. Шу билан бирга, у Транскаспий халқаро транспорт йўлаги салоҳиятини алоҳида таъкидлади.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатларнинг саноат соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашув якунида Қ. Тұқаев ҳукуматлар раҳбарларига кўргазмани ташкил этишдаги фаол иштироки учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, уларнинг фаолиятида муваффақиятлар, мамлакатлар фаровонлигига хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳаларнинг кўпайишини тилади.

Akorda.kz.

## ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛАДИ



Мақтаарал туманига журналистлар учун матбуот сафари уюштирилиб, улар дастлаб Азаттиқ қишлоғидаги тоза ичимли сув тармоғининг қурилиши билан танишишди. Тумандаги 69та аҳоли манзилининг 67таси марказлаштирилган ичимли сув билан таъминланган.

Жанажўл ва Азаттиқ аҳоли манзиллари ичимли сув тармоғини янгилаш ишлари 2024 йилда ниҳоясига етади.

Сўнг, мухбирлар Қозоғистон ССРнинг 40 йиллиги қишлоғида қурилаётган пахта толасини қайта ишлайдиган завод қурилиши билан танишдилар. Июль ойида туман ҳокими Бақит Асанов завод-фабрикалар барпо этиш бўйича вилоят делегацияси билан Хитой ва Ўзбекистон Республикасига борган эди. Шундан сўнг, мақтаараллик тадбиркор Қобил Боев қиймати 3 млрд. тенгелик пахта қайта ишлаш заводининг қурилишини бошлаган эди. Жорий йилда ишга тушириладиган “Cotton-Мақта” МЧБ бир кеча-кундузда 600 тонна

пахтани қайта ишлайди, натижада 50 киши доимий иш билан таъминланади.

Шундан сўнг, журналистлар Азамат қишлоғидаги “Нурмағанбет” деҳқон хўжалигига боришди. Хўжалик 7,5 гектар ерда пахта етиштириб, терим ишларини бошлаб юборган. Умуман олганда, мақтаараллик пахтакорлар жорий йилда 36 минг гектар ерга чигит қадашиб, ҳосил йиғишни бошлашган.

Матбуот сафари сўнггида журналистлар Мирзакентда барпо этилган икки қаватли спорт мажмуасининг фаолияти билан танишишди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

## ДАРХАН ҚИДИРАЛИ – СЕНАТ ДЕПУТАТИ

Давлат раҳбарининг фармони билан Қидирали Дархан Қуандиқули Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати депутаты этиб тайинланди.

Дархан Қидирали “Истанбул” университетини тамомлаган. Тарих фанлари доктори, Қозоғистон Республикаси Миллий Фанлар Академияси академиги.

Меҳнат фаолиятини 2000 йилда Х. А. Ясавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетиде катта илмий ходим сифатида бошлаган. Университетда етакчи илмий ходим, кафедра мудири, тарих кафедраси доценти лавозимларида ишлаган.

2007 йилда Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирининг маслаҳатчиси этиб тайинланган.

2016 йил июндан 2022 йил сентябргача – “Егемен Қазақстан” Республика газетаси ОХЖ бошқаруви раиси.

2022 йил сентябрь ойида Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазирлиги, 2023 йил апрель ойида эса бу лавозимга қайта тайинланган. 2023 йил 1 сентябрда у Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазирлиги лавозимидан озод этилган.

## ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИНИ НИШОНЛАШ САНАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Жорий йилдан эътиборан 5 октябрь – мамлакатимизда Ўқитувчилар куни сифатида нишонланади.

Ушбу сана Жаҳон ўқитувчилари куни билан бақамти келади. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати тегишли қарор қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Қозоғистонда таълим соҳасида 500 мингга яқин мактабгача, ўрта ва техник касб-хунар таълими ўқитувчилари меҳнат қилмоқда.

## ДЎҚОНЛАРДА ТАРОЗИЛАР ТЕКШИРИЛАДИ

Бу ҳақда ҚР Савдо вазирлиги маълум қилди.

«Эндиликда ҳар бир савдо шохобчаси ҳар йили республикамизнинг барча ҳудудларида мавжуд бўлган аккредитацияланган текшириш лабораторияларида сертификатланган текширувчилар томонидан тарозиларни мажбурий текширувдан ўтказиши керак бўлади. Жараён 5000 тенгедан ошади. Шундай қилиб, истеъмолчилар тарозидан уришдан ҳимояланади», дейилади маълумотда.

24.kz.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

## ИЧИМЛИ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ



Вилоят аҳолисининг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Шу боис, қишлоқларни зарур инфратузилма билан таъминлаш – устувор йўналишлардан бири. Вилоятда бир йилда 10та аҳоли манзилидаги 9 минг нафар фуқаро ичимли сув билан таъминланди. Шунингдек, 10та аҳоли манзилидаги эскирган сув қувурлари янгиланди.

Давлат раҳбарининг топишига кўра, 2025 йил якунигача вилоят аҳолиси 100 фоиз ичимли сув билан таъминланиши зарур. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдига бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Вилоятдаги 720та аҳоли манзили ичимли сув билан таъминланган. Йил охиригача 16та аҳоли манзилида сув қувурлари тортлади. Аҳоли манзилларини узлуксиз ва сифатли ичимли сув билан таъминлаш мақсадида ер ости сувлари манбаларини қидиришни амалга оширувчи ваколатли органлар томонидан

тегишли ишлар олиб борилаётганда. Бу масала бўйича вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари Руслан Муздибеков ҳисобот берди.

Минтақада аҳолини марказлаштирилган ичимли сув билан таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 5 йилда марказлашган ичимли сув билан таъминланган аҳоли манзилларининг умумий сони 720тага етиб, (7та шаҳар, 713та қишлоқ) яъни 86,4 фоизни ташкил этмоқда. Натижада 2025,3 минг одам сифатли ичимли сув билан таъминланган.

## ЯНГИЛАНГАН ТУРКИСТОНДА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР



Туркистон вилоятида халқаро кўча театрлари фестивали ўтади. Бу ҳақда Туркистон вилояти Маданият ва сайёҳлик бошқармаси раҳбари Азимхан Қўйлибаев маълум қилди.

– Туркистон вилоятининг беш йиллигига бағишланган фестивал ўсмирлар ва ёшларни фуқаролик ва ватанпарварликка монанд руҳда тарбиялаш мақсадида ташкил этилди. Бу тад-

бир Қозоғистонда илк бор ўтказилмоқда. Фестивалда Қозоғистон, Туркия, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг 13та энг яхши бадий жамоалари иштирок этади, – деди бошқарма раҳбари.

Шунингдек, вилоят маданият ва халқ ижодиёти маркази директори Мейржан Алиабаровнинг сўзларига кўра, фестивалнинг ғолиб жамоаларига бош соврин, I, II, III даражали дипломлар, шунингдек, махсус совринлар ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилади.

Майсара САФАРОВА.

Туркистон шаҳрида “Туркий оламнинг миллий русуми” VI Халқаро фестивал ўтди. Вилоят ҳокимлигининг шафелиги, ТУРКСОЙ ташкилоти ташаббуси, “Qazaq Oper” миллий ҳамжамияти, “Open Travel Advisory” МЧБ, вилоят маданият ва сайёҳлик бошқармаси ҳамда “Open Turkistan” ёрдамида ташкил этилган фестивалда 9та давлатдан хунарманд ва дизайнерлар иштирок этишти.

Этнорусум ҳафталиги 20 сентябрь кунини Ўзбекистоннинг Фарғона шаҳрида бошланиб, Туркистон шаҳрида давом этди.

Туркий халқларни маънавий жиҳатдан яқинлаштириш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган лойиҳада ТУРКСОЙ раҳбариятидан ташқари, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Туркия, Муғлистон, Тува Республикаси, Татаристон, Саха (Ёкутистон) Республикасидан этнодизайнерлар, шунингдек, Қозоғистоннинг барча вилоятларидан ху-



нарманд ва рассомлар, ижодий индустрия соҳаси вакиллари иштирок этди.

Фестивал доирасида туркий тилли мамлакат-

лардан ташриф буюрган 20 нафар дизайнер иштирокида “Молада этник услубни ривожлантириш истиқболлари” мавзусида

давра суҳбати ўтказилди. Кейинги кунини Қозоғистоннинг турли вилоятларидан ташриф буюрган жетиген (муסיқий асбоб)чилар иштирокида “Жетиген – қадимий қозоқ чолғу асбобининг ривожланиши” мавзусида муаллифлик маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Х. А. Ясавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетидеда Қозоғистонда хизмат кўрсатган арбоб, “Дарын” Давлат ёшлар мукофоти совриндори Айгул Қўсанова иштирокида маҳорат сабоғи ўтди.

Тадбир модалар намойиши билан якунланди.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА



Ўтрор туманида “Тарбияли ёшлар – хавфсиз жамият” мавзусида туман ёшлар анжумани ўтди.

Эркин шаклда ўтган учрашувда ҳуқуқ-тартибот органлари, ноҳуқумат ташкилотлар, оқсоқоллар ва Оналар кенгаши аъзолари, ўқитувчилар, ОАВ вакиллари ва ижтимоий тармоқ фаоллари, талабалар ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбир Ўтрор халқ театрининг ёшлар тарбиясига оид саҳна кўриниши билан бошланди. Унда туман ҳокими Сакен Султанханов иштирок этиб, бугунги кунда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жамият олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Анжуманда туман полиция бўлими раҳбари, полиция подполковниги Ермек Ўсербоев ва туман “Ёшлар имконият маркази” раҳбари Азамат Дўсанов ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, диний экстремизм ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот беришди.

Учрашув ниҳоясида туман бадий ҳаваскорлари ватанпарварлик мавзусида кўшиқлар ижро этиб, иштирокчиларга хушқайфият бағишлади.

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Арис шаҳрида “Меҳнат кунини” арафасида ишсиз фуқароларни натижали иш билан таъминлашга бағишланган ярмарка ўтди.

Сўнгги йилларда шаҳар иқтисодиётида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, меҳнат бозоридеги ишсизлик даражасининг пассивлаши ҳамда бандлиги таъминланган аҳоли сонининг барқарор ўсиши сезилмоқда.

Иш берувчи муассасалар зарур мутахассислар танлаш, иш излаб юрганлар ишга жойлаштириш имкони яратилган тадбирда шаҳардаги барча иш берувчи ташкилотлар ва кадр мутахассислари, “Ёшлар имконият маркази” вакиллари иштирок этишти. Шаҳардаги 34та муассаса 78та бўш иш ўрнини тавсия қилди. Тадбирда давлат имтиёзлари асосида амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этиш юзасидан маслаҳатлар берилди. Ушбу тадбирни ишсизлар ва иш берувчилар ўртасидаги “олтин кўприк” дейиш мумкин.

»» Давлат дастурлари – амалда

## МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ ҲОКИМ НАЗОРАТИДА

Сариоғоч туманида “Бадастир мактаб” миллий лойиҳаси доирасида 4та янги мактаб қурилиши бошланди.

Туман ҳокими Арман Абдуллаев ҳамда “Samruk-Kazyna Construction” ХЖ вакили М. Айманбетов барпо этилаётган мактабларга бориб, иш жараёни билан танишди.

Тегишли бўлим раҳбари ва пудратчи корхонанинг ходимлари билан учрашган туман ҳокими қурилиш ишларини лойиҳа бўйича ўз муддатида ҳамда сифатли тугаллашни топширди.



## “БАДАСТИР МАКТАБ”ЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Келес туманида “Бадастир мактаб” лойиҳаси доирасида 5та мактаб барпо этилади. “Samruk-Kazyna Construction” ХЖ Бошқарма раиси Маулен Айманбетов туманга сафари чоғида миллий лойиҳа доирасида қад ростлаётган мактабларда бўлди.



Туман раҳбари Жанибек Ағибаев бошқарма раисининг мактаблар қурилишига доир тақлифларини маълум қилди.

– Мактаблар белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши керак. Қурилиш ҳам, жиҳозлаш ҳам сифатли олиб борилиши лозим. “Қазақ-телеком” ХЖ иншоотларга интернет тармоғини тортади. Қурилиш сифати доимий назоратда бўлади, – деди Маулен Айманбетов.



## “АГРОМАСЛАХАТ МАРКАЗИ” ДЕҲҚОНЛАРНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини оширишда деҳқон ва чорвадорларнинг малакаси муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, вилоят тадбиркорлар палатаси қошида “Агротехнология маркази” ташкил этилиб, кўргазма майдонлари очилган эди.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, зараркунандаларга қарши кураш, деҳқонларга уруғлик селекцияси бўйича тавсиялар беришга доир тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят тадбиркорлар палатаси директори ўринбосари Нурбол Рисбеков “Марғулан” деҳқон хўжалиги ва “Рамазан Агро” МЧБлар фаолияти билан танишди.

Ўттириқ тумани Талапти қишлоғидаги “Марғулан” деҳқон хўжалигининг 20 гектар майдонига маккажўхори экилган. Хўжалик соҳибни Бекжан Ибашев йигирма кунда йигим-терим ишлари бошланишини маълум қилди. “Агротехнология маркази” раҳбари Нурбол Рисбеков Бўранбаевнинг айтишича, жорий йилда маккажўхорининг “Пионер” навидан мўл ҳосил кутилмоқда.

Нуртас КЕНЕСБЕКОВ.

»» Оқ олтин – 2023

## ЭСКИ ИҚОНДА – ЯНГИ ҲОСИЛ ХИРМОНИ

Саврон туманида пахта энг кўп етиштирилган Эски Иқон қишлоғига ташрифимиз анъанага кўра, доимий обуначимиз, Ғалим Пернешов раҳбарлик қилаётган “Қазақстан мақта” МЧБга қарашли, йилгига 10 минг тонна пахта тозалаш қувватига эга йирик корхона директори, тажрибали муҳандис, раҳбар Носириддин Зиёев билан суҳбатдан бошланди.



У 45 йил муқаддам Тошкент тўқимачилик институтини тасмимлаб, шу соҳада самарали меҳнат қилмоқда.

– Корхонамиз ҳосилни тўхтовсиз қабуллашга техник жиҳатдан тайёр. Жорий йилги пахта терими ўтган йилгига нисбатан ноқулай об-ҳаво шароити туфайли бир ой кеч бошланди. Ҳосил нархи ҳали аниқ эмас. Ўтказилган ҳар тонна пахта хомашеси учун деҳқонга 150 минг тенгедан аванс тўланмоқда. Жаҳон пахта толаси биржаси – Ливерпулда нарх қандай бўлишини кутаямиз. Ҳосил пахта териш машиналари ёрдамида амалга оширилмоқда. Техника етарли. Қўл терими таннархи

линиши керак. Зарур препаратлар билан тўлиқ таъминлаймиз. Дефолиация қилинмаган майдондан терилган пахта ҳосил навининг пасайишига, деҳқон даромадининг камайишига сабаб бўлади. Деҳқонлар амал қилиши лозим бўлган бу муҳим жиҳатни корхона лабораторияси мудираси, кўп йиллик иш тажрибасига эга меҳнат фахрийси Қулдарига Мейрман ҳам тасдиқлади.

– Ҳозирги ноқулай – қурғоқчилик об-ҳаво шароитида етиштирилган оқ олтиннинг намлиги кам, нави ҳам юқори, – деди у.

Янги ҳосил хирмони ёнида муштарийларимиз – корхона бош муҳандиси Муҳиддин Аб-

ни олиш, пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш учун шу соҳада кўп йиллик амалий тажрибага эга тадбиркор деҳқон Алишер Аҳмедовнинг 35 гектар пахта майдонида келгуси йилдан бошлаб Хитой усули асосида ғўзани томчилатиб сугорилмоқда.

Хитойлик мутахассислар чигитни экишдан бошлаб, пахта ҳосили йиғиштириб олинганга қадар барча жараёнларни компьютерлар воситасида назорат қиладилар. Қувонарли жиҳати, мазкур хориж технологияси асосида Эски Иқонда пахта ҳосилдорлиги гектарига 50 центнердан юқори бўлиши кутилмоқда. Пахта кластери –



юқорилиги ва тўпланган ҳосилда чиқит (ғўза барги ва хом кўсақ) ҳозир йўқ. Zero, қўлига қўлқоп кийган теримчилар ғўза-поядаги пахта алоҳида эмас, ҳали очилмаган хом кўракни барги билан аралаш сидириб, этакка солиб ўтказишга одатланишган. Бу эса ҳосил нави ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Корхонамиз билан шартнома асосида хирмонга оқ олтин ўтказиётган деҳқонларга қўядиган асосий шартимиз – пахта майдонлари теримдан аввал албатта дефолиация қи-

дией, бош энергетиги Алимхон Абдумажидов, техника хавфсизлиги муҳандиси Қулаҳмад Абдуқодиров, тайёр маҳсулот ва тайёрлаш бўлимлари бошлиқлари Абдуқалил Абдураимов, Мажд Бобоев, товаршунос Расул Мухторов, электрчи Мирзахон Пошшаевлар билан суҳбат чоғида корхона директори Носириддин Зиёев мени улкан янгиликдан воқиф этди.

Жаҳон кўламида рўй бераётган, Эски Иқонда ҳам кўп йиллардан буён яққол сезилаётган оби ҳаёт танқислигининг олди-

толадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган кунлар ҳам олис эмас.

Кўксидан тоғлар кўтарган Эски Иқонлик танти пахтакорларнинг тинимсиз меҳнати билан етиштирилган оқ олтин хирмони ёнида муштарийларимиз билан ҳам мулоқотда бўлдим ва ишларига барака тиладим.

Ш. МАДАЛИЕВ

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

## КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, ТОЗАЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ



Вилоят ҳокимининг топшириғига мувофиқ, туман, шаҳар ва аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш, вилоят ҳудудидаги қурилиш чиқиндилари кўмилидиган майдонлар ва балиқчилик, шунингдек, «Қишлоқ омонати» лойиҳасининг 4-йўналиши бўйича балиқчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Ермек Кенжеханули, вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни сошлаш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев, вилоят ер муносабатлари бўлими раҳбари Ерғали Тилеген, Орол-Сирдарё вилоятлараро ҳавза балиқчилик нозирлиги, туман

ва шаҳар ҳокимларининг соҳага масъул ўринбосарлари иштирок этди.

Қ. Абдуалиев қурилиш чиқиндиларини қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш масалалари борасида маъруза қилди.

Аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштиришга доир 2023-2025 йилларга мўлжалланган режага мувофиқ, 2022 йил кузда туман ва шаҳар ҳокимликларига ўрмон хўжалиги муассасаларидан 251685 туп, баҳорда эса жами 532682 туп турли кўчатлар етказилиб, ўтказилди. 2023-2025 йилларда туман ва шаҳар ҳокимликларига бошқармага қарашли ўрмон хўжалиги муассасаларидан кўчатлар етказиш режаси ишлаб чиқилган.

Унга кўра, кўчатларни етказиш, ўтказиш ва парваришлар туман ва шаҳар ҳокимликларига юклатилган. Йиғилишда

мазкур режа асосида иш юритиш топширилди.

Шунингдек, йиғилишда балиқчиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ, Орол-Сирдарё вилоятлараро балиқчилик нозирлиги ҳайъати ва ходимлари томонидан дастурнинг IV йўналиши бўйича насия беришнинг содда-лаштирилган тартиби дастаклари барча туман ва шаҳар ҳокимликларига тушунтирилган бўлса-да, масала ижобий яқун топмаган.

Йиғилиш якунида вилоят ҳокими ўринбосари балиқчиликни ривожлантириш, қурилиш чиқиндиларини тўқитиш учун махсус жойлар очиш, уларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи сармоядорларни жалб этиб, ишларни жонлантириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



Туркистон вилоят тадбиркорлар палатаси ҳамда Туркистон шаҳар прокуратураси ҳамкорликда “Бизнесни химоя қилиш” лойиҳаси доирасида тадбиркорлар билан мулоқотда бўлишди.

Унда Туркистон шаҳар прокурори Каукен Бақитбайули иштирок этди.

Тадбирда тадбиркорлик иншоотларини инфратузилма (кариз, сув, электр) тармоқлари билан таъминлашга доир қатор таклифлар, тавсиялар илгари сурилди.

– Ҳар бир тадбиркорлик субъектларида юзага келаётган муаммо масалалар доимий эътиборимизда. Шунинг учун уларни ижобий ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилади, – деди вилоят тадбиркорлар палатаси директори Асилан Ибадуллаев.

Тадбирнинг асосий қисми – савол-жавоб давомида соҳа мутахассислари барча долзарб саволларга атрофлича жавоб беришди. Кўтарилган масалалар бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нуртас КЕНЕСБЕКОВ.

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитовнинг топшириғига кўра, Қорабулоқ қишлоғидаги вилоят аҳамиятига молик КХ-3 “Кўксаёқ – Оқсув – Шаян – Мингбулоқ – М32” йўллари кенгайтириш тадбирлари бошланди.

## ЙЎЛЛАР КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Қорабулоқ – вилоятдаги аҳоли ва транспорт гавжум қишлоқлардан бири. “Қизил чизиқ”да жойлашган иншоотлар транспорт ҳаракатига таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда Т. Рустамов кўчаси чорраҳасидаги ўнг томонга бурилиш йўлини очиш ишлари олиб боришмоқда.

Туман ҳокими ўринбосари М. Ҳасанов ва қишлоқ ҳокими ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари йўл таъмирлаш ишларини назоратга олган. Шунингдек, М. Ҳасанов “қизил чизиқ”да жойлашган иншоот соҳиблари билан ҳам суҳбатлашиб, ноқонуний қурилган иншоотларни аниқлаш юзасидан мутасадди бўлимларга кўрсатма берди.

Туман ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЭЛЕКТР ҚҰРАЛДАРЫН ҚАУЎПСИЗ ПАЙДАЛАНУ ТУРАЛИ

Тўғридан-тўғри оқибатда электр жўяеларининг дурис жүргүзүлмөүен, электр приборларининг, газ плиталарининг ақаулығынан және дурис пайдалануабдан, жылу пештерин уақытында күрдөлі жөндөуден өткүзбөуден және өскү алдында, қора-қолпсымызда от жағып қадағалаусыз қалдыру салдарынан шығады.

Электр жўяелеринде өрттнң болу себептери:

– Электр жўяелериннң шамадан тыс артық жүктелуи;

– Электр жўяелериннң қысқаша тўйықталуи;

– Электр сымдарын орауға, тез майыстыруға, тўйин өтпн байлауға, шегемен қағуға болмайды;

– Электр құралдарыннң астына отқа жанбайтын орындығын қою керек;

– Бүлнген электр сымдарын пайдалануға болмайды. Электр шамдарын қағазбен немесе маталармен орауға болмайды, өйткенн бұдан өрт шығуы мүмкн;

– Бөлмелердн жөндеу кезинде электр сымдарын қағазбен желімдеуге, бояуға рўқсат өтпмейдн;

– Электр қуатын пайдалануда

электр сымныннң ақаусыз кўйде болуын үнемн бақылау қажет, бн розеткаға бн мезгнлде бнрнеше электр аспаптарын қосу арқылы электр жўяесиннң артық жүктелуын жол беруге болмайды;

– Зауытта жасалган қорғағыш жанып кеткенде оннң орнына қолдан жасалган қондырғышты пайдалану қаупнн, өйткенн артық жүктелу немесе электр сымныннң қысқа тўйсү кезинде қабығы (изоляция) жанып өрт шығады;

– Электр жўяесине қосып бақылаусыз қалдырылган аспаптардан қандай болсада өрттнң шығуына өкөп соғуы мүмкн. Сондықтан үйден шығарда, түнгн уақытта электр аспаптарын сөнднрп, электр жўяесинен ажырату керек;

– Қолдан жасалган электр қыздырғыш приборларын пайдалануға тым салынады;

– Электр сымна, роликке,

сөнднргншке және штепсель розеткасына киим-көшек нлуге болмайды;

– Электр өсептегнштнң сақтандырғышына қолдан сым орап «Жучок» салуға болмайды;

– Егер электр техника өрежеснн бнлмөсөңздер, өздернңнз электр сымн мен аспабын жөндемөңздер, сондай-ақ қосымша розетка орнатпаңыздар.

– Өр қашан өрт қаупннңсздгнн сақтау – баршамыздың мнндетмнз.

А. КЕРИМХАН,

Туркнстан қаласындағы №39 МӨСБ-н бастығынынн орынбасары, азаматтық қорғау аға лейтенанты.

А. БАЙТАС,

Туркнстан қаласындағы №1 МӨСБ-н бастығынынн орынбасары, азаматтық қорғау аға лейтенанты.

### ТУЗАТИШ

«Жанубий Қозоғистон газетасининг 12 сентябрь 2023 йил 100-сонн, 4-бетдагы «Қозоғистон қовун-тарвузлари – Европага» мақоласининг учинчи хатбоши «...2021-2022-йилларда Қозоғистонга хорижий давлатлардан умумий кўйматн 23 257,53 минг АҚШ долларига тенг 97,5 минг тонна тарвуз ва қовун келтирилган», деб тузатиб ўқилсин.

»» Хурматга сазовор шифокор

## ТОМЧИДА ҚУЁШ АКС ЭТГАНИ КАБИ

Фаол жамоатчи обуначимиз, “Соғлиқни сақлаш соҳаси аълочили”, Ибн Сино ва яна кўплаб фахрий тиббий унвонлар соҳиби эса-да, эл саломатлигига муносиб ҳисса кўшишни энг катта мукофот деб билган тажрибали шифокор Шухрат Собиржон ўгли таваллудининг олтимиш йиллигига бағишланган тантанана Туркистон, Кентов, Шимкент, Тошкент, Андижондан хурматли меҳмонлар ташриф буюриши.



Томчида қуёш акс этгани каби, фаол обуначиларимиз ушбу тадбирда жамулжам бўлишди. Аввало Қарноқдаги толча авлоди кекса вакили, вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси Тўлқин Саидмуродов, Андижондан Сардор Тоҳир ўгли, Тошкентдан Нодир Юсупов, Туркистондан Дилмурод Шухрат ўглининг дил каломи янгради. Қозғоғистон халқи Ассамблеяси таркибидagi Икромжон Ҳошимжонов раҳбарлик қилаётган ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти номидан Қорачиқ қишлоғи

маси раиси Бекзод Ҳабибовлар табригида Қарноқ қишлоғига кўп йил самарали раҳбарлик қилиб, ҳамқишлоқларининг самимий хурматини қозонган Кентов шахрининг фахрий фуқароси Собиржон Юсуповнинг тўнғич фарзанди масъулиятни шараф ила оқлаб келаётган юбилар шаънига айрилган табрикларда такаллуф мужассам эди.

Шухрат Юсупов Андижондаги тиббиёт олийгоҳини аълога тамомлаб, Туркистондаги Баҳодир Ҳабибуллаев раҳбарлигидаги туман тиб-

олима Дурдона исмли қобил фарзандларни дунёга келтириб тарбиялаган ҳокисор умр йўлдоши, ўзбек тилида дарсликлар яратган тажрибали устоз Дилора Одил қизи ҳамда қадрдон шифокор укаси Шерзод Собиржон ўгли тақдир тақозоси билан чин дунёга бевақт рихлат қилганида маънавиятдан мадад излаб, яна бир улкан хотира китобини нашр эттириб, ўтганлар



оқсоқоллар кенгаши раиси Мирзахон Адхамов юбиларга “Халқ эҳтироми” ордени ва табрикномаларни топшириб, тўн кийдирди. Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган “Улес” хайрия жамоа жамғармаси номидан Иброҳим Райимжон ўгли жамоат ишларида фаоллиги учун “Ибратли фуқаро” кўкрак нишони, Райимжон Алибоев раҳбарлик қилаётган “Жанубий Қозғоғистон” газетаси тахририятдан

биёт бирлашмасида қулоқ, бурун касалликлари бўйича тажрибали ҳамкасб оғаси Олимжон Дуржонбоев етакчилигидаги бўлимда шифокор сифатида меҳнат фаолиятини бошлаганига ҳам 37 йил бўлибди. Райимбек Тасирбаев бошчилигидаги Туркистон шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси номидан ҳамкасблари – фахрий шифокор Аминжон Холтаев, Ғалимжон Елтиярули, Асил Ергешбайқизи табриклари давомида юбилар кифтига

руҳини шод қилди. Маккаи Мадинада умра ҳаж сафарига дунёдан ўтган азиз аждодлар хотираси, фарзандлар, неваралар саодатини тилаб, тоат-ибодат қилди.

Тадбир поёнида Қарноқдаги толча авлоди аждодлари Юсуфбобо, Захро опа, волидаи мухтарамаси Маҳфуза ая ҳамда юқорида тилга олинган барча аждодлари, ҳамкасблари, қариндош-уруғлари руҳи поклари ҳурматида ҳидоят илмининг Туркистондаги йирик вакили, минг кишилик



15 нусха газетига обунани доимий ташкил этишдаги фаоллиги учун “Ташаккурнома”, Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси номидан ўринбосари Абдумуслим Умаров ҳамюртларимизга саломатлик нъматини улашишдаги фидокорона меҳнати учун тўн ва табрикномани юбиларга тантанали топширганида залда давомли гулдурас қарсақлар янгради.

Санобар Самиева раҳбарлик қилаётган Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси номидан ўринбосари Абдукарим Амиров, оқсоқоллар кенгаши раиси Мамасоли Зиёев, Кентов шаҳар маслаҳати депутати, Қарноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлаш-

миллий тўн ёпиб, “Фахрий шифокор” кўкрак нишони билан мукофотладилар. Дилмурат Абдурашитули раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳри ва Саврон тумани бирлашган ҳарбий комиссариат вакиллари ҳам сидқидилдан табрикларини изҳор этишди. Мукофотлар муборак, эзгу тилаклар ижобатини берсин.

Шухрат Юсупов падари бузруквори, газетамизнинг Қарноқдаги суянган тоғи Собиржон ака вафотидан сўнг унинг қаламига мансуб “Умр дафтари”ни 360 саҳифалик “Ибратнома” хотира китоби ҳолида батафсил нашр эттирди. Маънавий намуна кўрсатди. Ўзи каби шифокорлик касбини танлаб элга эъзозли бўлаётган Дилафрўз, Дилмурод, Малика ҳамда тилшунос

масжид бунёд этган Рўздат хожи Камолов жарангдор овозда амри маъруф қилиб, Қуръон оятларини тиловат қилди.

Тахририят номидан Шухрат Собиржон ўглини олтимининг олтин остонасига кўйган кутлуғ қадами ила муборакбод этиб, умр йўлдоши, эл саломатлиги йўлида ўзи каби самарали меҳнат қилаётган тажрибали ҳамшира Сабоҳат Азимжон қизи билан содадатли ҳаёт кечинини тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Ш. Юсупов; жамоат ташкилотлари вакиллари муборакбод этмоқда; ҳамкасблар ардоғидаги юбилар.

Муаллиф тасвирлари.

»» Орамиздаги одамлар

## ИНСОНИЙ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Тўлебий тумани Дўстлик қишлоғидаги уйлардан бирида содир бўлган ёнғин ҳақида бизга “Султон Работ” жамоат бирлашмаси раисаси М. Юсупова телефон орқали маълум қилди.

– Қўшнисининг икки боласини ёнғиндан қутқариб, ўзи ҳам кўп жароҳат олди. У ҳозир касалхонада, – деди у ҳаяжон ва хавотирга тўла овозда. Иложи бўлса, мақола ёсангиз. У – ҳақиқий қаҳрамон.

– Соғлигингиз қандай, касалхонадан чиққанингизга анча бўлдимиз? – сўрадим мен.

– Раҳмат, анча яхшиман. Мен касалхонанинг жонлан тириш бўлимида тўрт кун ётдим. Сўнг уйда даволанишни давом эттирдим, – дея жавоб берди у.

Мухторали Анорбоев ўша машум кунни юрагида оғриқ билан эслайди.

Ўша кун у қош қорайганда уйига келади. Ҳовлига кирган заҳоти ўглининг «Ёнғин, ёрдам беринглар!» деган овозини эшитди. Қўшнининг ҳовлисида тўтун чиқаётганини кўриб, шу ёққа югуради. Қўшни аёл йиғи аралаш ҳам-

мом томонга ишора қилади. Олов ва тўтун босган хонада у полда ётган 14 ёшли қизни топиб, олиб чиқади. Қайтиб кириб, бошқа хонада қўшнисининг қалин тутундан заҳарланиб ҳушидан кетган 9 ёшли ўғлини топади. Тутундан ҳеч нарса кўриб бўлмасди, уни ҳам кўтариб, ташқарига эсон-омон олиб чиқади. Болақайнинг кийимлари ёнаётган экан. Кимнинг қўлига тутқазганини эслай олмайди, шу ерда ҳушидан кетади.

– Шошганимдан, устимга совуқ сув куйиб олиш эсимга келмабди, – дейди у. – Синтетика кийимлар тез оловланиб кетар экан.

Орадан 8 кун ўтиб, бола касалхонада ўзига келмай, вафот этади, қизнинг аҳволи оғир. Отаси уйда бўлганида мендан олдинроқ ёрдам берган бўлармиди. Болалар ҳаммом тезроқ исисин, деб, ёнаётган оловга суюқ ёқилги куйиб юборишган экан...

М. Юсупова Фавқуллода вазиятлар департаментига кўнгироқ қилиб, отахонни ташаккурнома билан тақдирлашларини сўраган. Аммо мутасадди ташкилот вакиллари лоқайдлик танитишган. Россиянинг Челябинск ви-



лоятда худди шундай воқеа юз берган.

Ўзбекистонлик 29 ёшли муҳожир ишчи Ҳаким Очилов уч болани ёнғиндан қутқарган.

Ўт ўчирувчилар бошқармасида қаҳрамон йигитни медалга тавсия қилиб, қимматбаҳо совға билан тақдирлашган. Челябинск вилояти Ёнғинга қарши кураш хизмати бошлиғи Геннадий Ведерников Ҳакимни Фахрий ёрлик билан тақдирлар экан, унга ўт ўчириш хизматида иш ҳам тақдир қилган.

Отабой  
РАҲИМҒОЗИЕВ.

## МАЪНАВИЯТ ЖОНКУЯРИ

Тўланбой Шодмонов – «Жанубий Қозғоғистон» газетасининг жонкуярларидан бири, маънавиятни муқаддас мезон деб билади.

– Ҳар бир халқ ёки элат ўз тарихини, ота-боболари босиб ўтган йўлни, миллий қадриятларини, тили, дини, олис аждодларининг васиятларини нутумаслиги зарур. Ҳар бир халқ миллий таррақийёт сари юзланар экан, табиийки, шу ниёт билан яшайди. Биз севиб ўқийдиган, 32 ёшга тўлган «Жанубий Қозғоғистон» газетаси ҳам истиқлол нъматларини қадрлашга даъват этадиган нашрлардан бири.

Мен маънавиятни инсонни руҳан поклайдиган ва виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони, «Жанубий Қозғоғистон» газетасини эса уларнинг жарчиси деб биламан. Мустиқилликнинг дастлабки қадамлариданоқ ижтимоий-маданий ҳаётимизда, таълим ва тарбияда маънавиятга, хусусан, миллий ва умуминсоний қадриятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Истиқлол туфайли барча эзгу ниятларимиз рўёбга чиқди. Ҳаётимиз тинч, турмушимиз фаровон. Том маънодаги янгилиш жарчиси – «Жа-



нубий Қозғоғистон» газетасига барча ҳамюртларимизнинг обунга бўлишини истардим. Бу нашрнинг ҳар бир уйда бўлиши – юксак маънавиятимиз ифодасидир.

Т. Шодмонов (тасвирда) – касбий фототасвирчи, вилоят, республика ва халқаро танловлар ғолиби.

С. МИРЗО.

»» Бирни кўриб, фикр қил

## ИНСОН

Дунё ҳаётида инсонлар ҳолати ўзгариб туради – ер остидаги одамлар ҳеч бўлмаса, тушларимизда бизни “зиёрат қилиб туришди”, ер устидагилар эса ҳатто саломимизга алик олмайди.

Гоҳида қасрда яшасанг ҳам, ҳаёт сенга торлик қилади, гоҳида эса кулба ичида яшаб, роҳат туясан.

Гоҳида оқ бўласан, лекин сени қора кўришади, гоҳида эса қора бўласан-у зиндан нур ёғилади.

Гоҳида ака-укаларинг бўла туриб, ўзинги ёлғиз ҳис қиласан, гоҳида эса ёлғиз бўлиб ҳам ҳеч кимни кўришни истамайсан.

Гоҳида оёғингдан чалган ўз дўстинг бўлади, гоҳида эса душманинг ҳаётингни сақлаб қолади. Гоҳо бойлар ўғрилиқ қилаётганини, гоҳида эса камбағаллар садақа қилаётганини кўрасан!

“Ибратли дунё”дан.

## МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА

Бир танишим айтиб берди:

– Эрталаб бомдоддан олдин аэропортда араб меҳмонларни кутиб олдим... Аэропортдан машинада меҳмонхона тараф йўл олдим... Араб шайх тўсатдан йўлакларни супураётган кекса аёлларни кўриб, «Булар кимлар...?» деб сўраб қолди...

Мен аҳамият бермасдан «Ҳа, шу кўча супурувчилари...», дедим...

Шайх «Улар мусулмонми...?» деди... Мен «Ҳа, алҳамдулиллаҳ...», десам, Шайх хўнграб йиғлаб юборди, «Наҳот биз мусулмонлар оналаримизни шу ҳолатга солиб қўйган бўлсак...?! Ўз оналарини кўча супурувчилари қилиб қўйган қавм қайдан наҳот топсин...?!»

Уни йиғлаганини кўриб мен терлаб кетдим, шунча вақт ўша аёлларга аҳамият бермаган эканман, дейди.

Муҳаммад СОЛИҲ  
саҳифасидан.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўгли  
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт — Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-701-257-36-97.  
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҲАМИДЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси — “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродрлиги.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилик учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Фоботаланган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КҚЗ44Р/00022503 сувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида chop этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алиминов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шохқўчаси,  
6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.  
Бухгалтерия: 39-16-44.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши — 55466. Адади — 12500 нусха.  
Буюрма 2423

Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚўЧҚОРОВ.